

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК - ХУҚУҚИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ
ОМИЛИ

Гулнора Чубоева

Наманган вилояти ИИБ ходими

Аннотация. *Мазкур мақолада гендер ва гендер тенглик тушунчаларининг назарий жиҳатлари, мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар, мазкур соҳага оид қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ёритиб берилади, гендер тенгликни таъминлашни такомиллаштириш бўйича таклифлар баён қилинган.*

Калит сўзлар: *гендер ва гендер тенглик, позитив дискриминация, қонунийлик, демократизм, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлиги, жинс бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги, очиқлик ва шаффофлик.*

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида 100 га яқин асосий ва халқаро ҳужжатларга қўшилиб, дунёга демократик тамойилларга содиқлигини намоён этди. Булар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, БМТнинг аёлларга нисбатан камситилишнинг барча турларини йўқ қилиш тўғрисидаги конвенцияси, Минг йиллик ривожланиш мақсадлари, Барқарор ривожланиш мақсадлари ва бошқалар

Мамлакатимизда гендер тенглиги ахлоқий ва ҳуқуқий асосларимизда мустаҳкамланган. Асосий қомусимиз ҳам гендер тенгликни барча илмий жиҳатларини ўзида жамлаган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳар бир инсон учун шахсий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва иқтисодий ҳуқуқларни, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро қонун ҳужжатларидаги барча ҳаёт, эркинлик ва шахсий дахлсизлиги учун ҳеч ким томонидан бегоналаштирилмаган ҳуқуқларни кафолатлайди.

Мустақиллик йилларида республикада фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Улар: "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида", "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида", "Аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида", "Аёлларни зулм ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида" "Мулк тўғрисида", "Таълим тўғрисида", "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида", "Жамоат бирлашмалари тўғрисида", "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида" ва яна гендер муносабатларини мувофиқлаштирувчи нормалардан иборат.

Гендер атамаси жамият сиёсий, ижтимоий ҳаётида аҳамиятқасб этиб бормоқда.

Гендер сўзи этимологик жиҳатдан инглиз тилидаги "gender" ёки латин тилидаги "genus" иборасидан олинган бўлиб, "қавм", "уруғ" тушунчаларига яқин маънони ифодалайди.

Шўролар тузумининг инқироzi ва ундан кейинги 1980-1990 йилларда собиқ Иттифоқ худудида ҳам “гендер” тушунчаси бу соҳага бағишланган тадқиқотларда ишлатила бошлади. Бугун “гендер” тушунчаси мазмунан бойиди, айрим ҳолларда “гендер” ва “жинс” тушунчалари баъзи муаллифлар томонидан бир-бирига маънодош тушунчалар сифатида қўлланилмоқда. Баъзан эса “гендер” ибораси “жинс” тушунчасига қарама-қарши қўйилмоқда.

Аслан гендер тенглик ижтимоий ҳаётда ўз ўрнида ишлатилиши жамият аъзолари ўртасида бир-бирига нисбатан мутаносибликни таъминлайди.

Бу борада ҳуқуқшунос олимларимиз кўплаб илмий таҳлилларни амалга оширмоқдалар. Гендер тушунчасининг назарий жиҳатлари, эркак ва аёлларда биологик ва ижтимоий жинс уйғунлиги, биологик жинс табиат инъом этган сифатларни ифодалашини, ижтимоий жинс эса эркак ва аёлларнинг ҳаётдаги ижтимоий роли туфайли шаклланидиган сифатлари эканлигини таъкидлайди. Гендер – физиологик негизга асосланган ижтимоий тузилма сифатида тушуниш лозимлиги уқтирилади.

Юридик фанлари доктори, профессор Лола Саидова: – “гендер тенглик тушунчаси жамиятни эркак киши бошқаришига ҳеч қачон қарши эмаслигини ҳам назарда тутати. Бунда фақат аёл кишининг манфаатлари поймол этилмаслиги керак. Гендер тенглик нафақат аёллар манфаатини, қолаверса, эркакларнинг ҳам ҳуқуқларини, соҳавий муаммоларини ҳал қилишга ҳаракат қилади. Унинг соғлиғи ҳақида қайғуради. Гендер тенглик моҳияти асосини оилада фақат аёл бахтли яшаши керак эмас, эркак ҳам ўзини бахтиёр ҳис қилиши керак, деган тушунча ташкил этади. Мақсад оилада эркак ва аёл ўртасида ўзаро ҳурматни шакллантиришдир.

Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб бизнинг давлатимиз аёлларга эркак билан тенг имкониятлар бериш борасида халқаро ҳужжатларни имзолади. Жумладан, 1995 йили “Аёлларга нисбатан барча турдаги тайзиқларни тугатиш тўғрисидаги халқаро Конвенция”(CEDAW) ни ратификация қилди, унинг мазмуни кўплаб миллий қонунчилик ҳужжатларида ўз акс топди.

Айниқса, сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан хотин-қизлар масалаларига, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, маиший ҳаётдаги муаммоларини ҳал қилиш, иқтидори ва имкониятларини кўрсатиш учун қулай шароит яратилмоқда. Оилада, жамиятда, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида ижтимоий муносабатларда ҳам, қонунчиликда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркак учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида: “гендер – хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятинининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати” эканлиги таъкидланади. Ушбу қонунда мамлакатимизда хотин-

қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатланишининг асосий принциплари сифатида қонунийлик, демократизм, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлиги, жинс бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги, очиқлик ва шаффоқлик мустаҳкамлаб қўйилган.

Эндиликда бу йўналишда норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш муҳим бўлиб, бу доирада давлат дастурлари, миллий ҳаракатлар режалари ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш энг муҳим вазифалар ҳисобланади. Чунки ушбу ҳужжатларни яратиш, аниқ ижро механизмларини ишлаб чиқиш орқали хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар бўйича ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, жамият, давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг иштирокини таъминлаш, масъулиятли оналик ва оталикни шакллантириш каби йўналишларда фаолият ташкил этилади.

Қонуннинг қабул қилиниши давлат бошқарувида аёлларнинг эркаклар билан тенг шароитда иштирок этишини, айниқса, раҳбарлик лавозимларида ҳам ишлаши мумкинлиги кафолатлайди. Шунингдек, қонунда ҳокимият вакиллик органларига сайловларда ҳам сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлиги таъминланиши белгилаб қўйилди.

Қонунда оилавий муносабатларда, айниқса, болалар тарбиясида она ҳам, ота ҳам бирдек масъул эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Унда эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари аниқлаб берилган бўлиб, уларнинг тенг мажбуриятларга эга эканлиги ёзиб қўйилган. Бу борада аёллар ва эркаклар никоҳининг ихтиёрийлиги, мажбурий ва эрта никоҳларга йўл қўйилмаслиги, эр-хотинларнинг шахсий ва мулкый ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенглиги кабилар шулар жумласидандир.

Бола туғилиши муносабати билан ҳақ тўланадиган таътил олишда ота ҳам, она ҳам тенг ҳуқуққа эга. Болага қараш бўйича таътилнинг давомийлиги ота-онанинг ихтиёрига кўра улар ўртасида тақсимланиши, бунда ота-она таътидан қисмларга бўлган ҳолда фойдаланишлари мумкинлиги ҳам айнан гендер тенгликнинг ифодасидир. Бу эса айниқса, ёш оилаларга кенг қулайлик туғдиради.

Қонунда, позитив дискриминация, яъни кам сонли бўлган гуруҳ ёки қатламга алоҳида имкониятлар ва квоталар бериш назарда тутилган. Бунга кўра корхонада, таълимда, илмда ва ҳоказо соҳаларда гендер тенгликка эришиш учун қўлланадиган усул ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистонда олима, муҳандис, дастурчи, жарроҳ аёллар кам. Ушбу соҳаларда аёлларнинг кўпайишига эса эҳтиёж мавжуд. Шундай шароитда қизларни ушбу йўналишларга кўпроқ жалб қилиб ўқитиш, бунинг учун уларга алоҳида шарт-шароитлар яратиш позитив дискриминация ҳисобланади.

Қонуннинг 16-моддасида давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш назарда тутилган бўлиб, у давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни

таъминлаш орқали давлат бошқарувида турли жинсдаги шахсларнинг иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратилиши кафолатлайди. Шунингдек, мазкур қонунда биринчи марта давлат хотин-қизларга эркаклар билан тенг шароитларда ва ҳеч бир камситишсиз халқаро миқёсда давлатнинг вакили бўлиш ҳамда халқаро ташкилотлар ишида иштирок этиш имкониятини таъминлаш учун тегишли чора-тадбирлар кўриши мустаҳкамлаб кўйилди.

Яна бир муҳим жиҳат, хотин-қизлар ва эркаклар ҳокимият вакиллик органларига сайлаш ва сайланишда тенг ҳуқуқларга эkanлиги, ҳамда сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланиши хотин-қизларнинг мамлакатимиз ижтимоий –сиёсий ҳаётида янада фаолроқ иштирокини таъминлашга ҳуқуқий асос яратади.

Миллий даражада аёллар мақомини ошириш ва уларнинг иқтисодий ҳуқуқларини мустаҳкамлаш бўйича дастурлар ва тадбирлар амалга оширилмоқда. Гендер муаммоларини ҳал қилишда республика давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ва илмий ташкилотлари фаолиятининг фаоллашиши гендер тенглиги масалаларини тавсифловчи маълумотларга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Бу борада илмий ишлар, ижтимоий, статистик ва бошқа соҳалардаги маълумотлар базаларини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида қонуни
2. Алимасов, Виктор. Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007.- 193 бет
3. Юсуф, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад. *Бахтиёр оила*. Тошкент: Шарқ, 2011.-176-177 бет,
4. Костикова И.В. Введение в гендерные исследования. . Москва: Аспект, 2005
5. Чубоева Озодахон. Янги Ўзбекистон - III ренесансида хотин-қизлар ижтимоий ҳимояси. a collection scientific works of the International scientific conference (15 May, 2022) - Copenhagen:2022. ISSUE 13 - 226 p. 94-99 бетлар.
6. Чубоева Озодахон. “O„ZBEKISTONDA MILLATLARARO TOTUVLIKNI TA`MINLASHNING KONSTITUTSIYAVIY-HUQUQIY ASOSLARI” PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS / 2022 - PART 10
7. Ozodaxon Chuboyeva Quvonchbekovna . The importance of “Kazilik adabi” in Abu Bakr Kasani’s work “ Badoi-us-sanoe”. International Scientific Journal ISJ Theoretical& Applied Science Philadelphia, USA issue 01, volume 81 published January 30, 2020
8. Чубоева Озодахон. НИГИЛИЗМ-ҲУҚУҚИЙ ОНГ, ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ХАВФЛИ ОМИЛИ. TURKEY

International scientific-online conference: "THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH". Part 5, Issue 1 MAY 31 st

9. <https://lex.uz/docs/4494873>